ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Ф. Джуманиязова

Илк ўрта асрлар Тохаристон воҳа ҳукмдорликларида турклар бошқаруви масаласига доир

Илк ўрта асрларда Тохаристон муайян бир конфедерация ўлароқ, йигирмадан ортиқ воҳа ҳукмдорликларини ўз таркибига олган. VII асрнинг биринчи ярмидан эътиборан хитой, византия, арман, араб ва бақтрий тилидаги манбаларда Тохаристон воҳа ҳукмдорликларида яшаган асосан эроний тилда сўзлашган халқлар билан биргаликда туркий тилли қабилалар ва ҳукмрон уруғлар тилга олина бошлайди. Ушбу воҳа ҳукмдорликларининг туркий уруғ ва қабилалар томонидан бошқарилгани масаласини ёритиш ябғулик давлат тузумининг моҳиятини аниқлашда ўзига хос ўрин тутади. Шунингдек, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, туркий тилли қабилаларнинг Тохаристонга илк келиб жойлашуви ҳудудда Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилишидан ҳам олдин юз берган бўлиб, бу ҳолат таркибига турли тилли сўзлашувчи қабилаларни бирлаштирган Эфталийларнинг мазкур воҳаларда жойлашуви билан алоқадордир [32: 16; 30: 207][1]. Хусусан, Афғонистон ҳудудида нисбатан эртароқ ўрнашган халажлар ва канжина турклари каби манбаларда Эфталийларнинг авлодлари сифатида кўрсатилган лекин аслида туркий уруғлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, археологик топилмалар ҳам ушбу ҳудудларнинг сиёсий ва маданий ҳаётида туркий сулолаларнинг ўзига хос рол ўйнаганидан дарак беради. Хусусан, Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимоли-Шарқий Афғонистондан топилаётган илк ўрта асрларга тааллуқли шаҳар харобалари ва улардаги сарой деворий расмлари (Болаликтепа, Тавкақала, Ажинатепа, Бомиён ва ҳоказо), танга-пуллар, ҳайкал ва терракоталар (балбаллар, металл ва лойдан ясалган ҳайкалчалар), будда ибодатхоналари мазкур сулолалар фаолияти билан бевосита ва

[1] Баъзи тадқиқотчилар халажларнинг Эфталийлар давлати заифлашувидан олдин, VI асрнинг учинчи чорагидан бошлаб ғарбга силжиганини таъкидлайдилар. [36: 240].

билвосита боғликдир. Бундан ташқари, илк ва класик ўрта асрга тааллуқли ёзма манбаларда учрайдиган туркий топонимларнинг бир қисми айнан шу даврда вужудга келади. Масалан, Бунчуғлуғ, “Ябғу дашти”, Тегинобод ва ҳоказо.

Қуйида кетма-кетлик асосида Тохаристон таркибига кирган воҳалар ва уларда фаолият кўрсатган туркий уруғлар ҳамда ҳудуд аҳолисининг бир қисмини ташкил этган туркий этник пласт ҳақида тўхталамиз:

Термиз. Илк ўрта асрларда Термиз шу номдаги шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудларни ўз ичига олган алоҳида ҳукмдорлик бўлган[1]. Ўрта аср муаллифлари Табарий ва Ибн Хурдодбек берган маълумотларга кўра, исломгача бўлган даврда Термиз ҳукмдорлари “термизшоҳ” унвони билан фаолият олиб борган [6: 504]. Мазкур ҳудудда сўнги термизшоҳ VII асрнинг иккинчи ярмигача фаолият кўрсатган [14: 101]. Афтидан, VII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг бу ҳудуд туркий бошқарувчилар қўлига ўтган бўлиши мумкин.

Хитой манбаларида Термизнинг энг эрта эслатилиши Э.В.Бреншнейдер фикрича, роҳиб Сюан Цзан саёҳатномасига тўғри келади. У Термизга тахминан 630 йилда ташриф буюрар экан, мамлакатни қуйидагича таърифлайди: “*Та-ми (Да-ми) мамлакати шарқ-ғарб томони олти юз ли дан ортиқ кенгликда, шимол-жануб томони эса тўрт юз лидан ортиқ узунликда. Пойтахтининг айланаси 20 ли. Бу мамлакатнинг шарқ-ғарб томони кенг, шимол-жануб томони эса қисқадир. Ўндан ортиқ ибодатхона, мингдан ортиқ роҳиб бор*” [28: 138-139; 1: 160. к.294; 14: 101][2]. Гарчи Сюан Цзан томонидан Термиз бошқаруви ва унинг ҳукмдори ҳақида ҳеч нарса айтилмаган бўлсада, унинг бошқа ўринда Тохаристон ҳақида келтирган “*[бу мамлакат] бўлиниб йигирма етти ўлка ҳолига келиб қолган, ... уларнинг барчаси вассал сифатида туркларга тобедир*”[28: 136] жумласига асосланиб, Термиз бошқаруви турклар қўлида бўлганлигини айтиш мумкин. Шу ўринда нумизматик манбалардаги маълумотларга ҳам эътибор қаратмоқ лозим. Чунки илк ўрта асрларга оид (VI-VII асрлар) термизшоҳлар тангалари аверсидаги ҳукмдор тасвири туркларга хос антропологияни ўзида акс эттирган. Яъни уларнинг юзи юмалоқ, кўзлари эса бодом кўринишида. Реверсида эса Тарду хоқон тангалари (Чоч воҳаси) ва Панжикент тангаларига хос кетмонча 𐰉 кўринишида тамға тасвири

[1] Хитой йилномаларида Та-ми (Термиз) мамлакати Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғи бўйлаб Ғузғондан шимолдаги вилоят ўрнида локализация қилинади. [18: 300. ком. 840].

[2] Термиз – Амударёнинг шимолий қирғоғида, яъни ушбу дарёнинг Сурхонга қуйилиш жойига яқин ерда жойлашган [6: 504].

учрайди [22: 42,195]. Муҳими, бу тангаларда жой олган тамғанинг Тарду хоқон(576-603) тангаларидаги тамғага ва *pncy MR'Yn '/cm'wky'n* - "Панж ҳукмдори А/Жамукён/Ғамаукийон" жумлалари билан зарб қилинган Панж (Панжикент) тангалари[21: 21]даги  тамғага ўхшашини кўриш мумкин. "Янги Тан сулола тарихи"да "Та-мида бошқарув турклар қўлида бўлиб, ҳукмдори ҳам туркий эди" [14: 10; 28: 8] деган жумлаларга асосланса к, катта эҳтимол билан бу даврда Термизда туркларга бориб тақалувчи сулола фаолият кўрсатган ва мазкур тангаларни зарб қилган[22: 42; 195]. Хуллас, Термиз тангаларининг бир томонида туркий қиёфали ҳукмдор тасвири, бир томонида ўқсимон  тамға акс этган бўлиб, улар Ғарбий Турк хоқонлиги ва Панч тангаларидаги тамғалар билан яқин ўхшашликка эга (/ - -).

661 йилда Тан сулоласи Та-ми мамлакатини Кумо вилояти гарнизонига айлантирган. 747 йилда эса Та-ми ҳукмдори *Hsieh-mo* бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари билан биргаликда Тан императорини зиёрат қилиш учун саройга ташриф буюради ва унга император *Feng-shun Wang* унвонини беради [28: 141]. Ҳукмдор *Hsieh-mo* туркча Сир бек бўлиши мумкин. Маълумки, 704 йиллардан бошлаб Тохаристон турклари арабларга қарши курашда Тибет империясидан ҳам ёрдам олган. Шу йили Тохаристоннинг стратегик шаҳри бўлган Термизда турклар ва тибетликлар ўзаро иттифоқчиликда арабларга қарши ҳаракатланганини кўриш мумкин [24: 66]. Юқоридагилар жуда оз бўлсада бу даврда Термизда туркийлар мавжудлигини кўрсатади.

Чағониён. Сурхондарё водийсида Термиздан шимоли-шарқда Чағониён вилояти жойлашган. У ҳозирги Олтинсой, Бойсун, Денов, Қумқўрғон, Сариосиё ва Шўрчи туманлари ўрнида локализация қилинади. Сосонийлар давридан бошлаб Чағониённи "чағонхудот" деб аталган маҳаллий ҳукмдорлар бошқарган [6: 558; 41: 1][1]. 630 йилда мазкур ҳудудга ташриф буюрган Сюан Цзан саёҳатномасида Чағониён номи хитойча "Чи-го-йен-на" шаклида келтирилади [28: 139]. Унинг кўрсатишича: *"Чи-го-йен-на мамлакати шарқдан ғарбга томон 400 ли, шимолдан жанубга 500 ли кенгликдадир. Пойтахтининг кенглиги эса 10 ли бўлиб, мамлакатда 5 та будда ибодатхонаси мавжуд, роҳиблари эса жуда камчиликни ташкил этади"* [28: 139; 1: 160, к. 295; 42: 5]. Шунингдек "Таншу"да келтирилган 16 та Ғарб ўлкаси ҳукуматлари рўйхатида бу ўлка Бомиёндан олдин ва Ғузғондан кейин зикр этилган [27: 218; 18: 299, 832, 833]. Сюан Цзан ушбу ўлкага ташриф бу юрганида унинг бошқаруви ҳақида ҳеч нарса айтмаган

[1] Ҳозирги кунда ушбу чағонхудотлар сулоласидан нумизматик материалларга кўра 3 та ҳукмдорнинг исми маълум [19: 132].

эди. Бироқ, VIII асрда Чағониёнда туркийлар билан боғлиқ муҳим маълумотлар учрайди. Масалан, “Це-фу-юан-гуй”да бир элчилик ҳақида гапирилиб, шундай маълумот келтирилади: “*Еттинчи Кайюан йилининг (719 й.) олтинчи ойида Та-ши (араблар), Ту-хо-ло (Тохаристон) давлати ва Жанубий Ҳиндистон ҳукмдорликлари Хитойга тобелигини билдириш ва ҳирож тўлаш мақсадида элчилар жўнатди. Ту-хо-ло Ше-хан-на (Чағониён) ҳукмдори Ти-ше (Тиш) астрономия фани билимдони саналган Та-му-ше*[1] *исмли бир кишини ҳузурига келишини илтимос қилди. Бу одам ғоят даражада билимдон бўлиб, у жавоб беролмайдиган савол йўқ эди. Ҳукмдор императорга ҳурматини изҳор этган ҳолда Та-му-шени унинг ҳузурига жўнатиб, шахсан ўзининг ва қўл остидагиларнинг нима қилишларини, нималар ўйлаётганларини сўрашини, барча диний таълимотлар билан боғлиқ маълумотларни билишни исташини билдирди. Император бу кишининг ҳақиқатдан гапирилгандек бўлиши ё бўлмаслигини билмоқчи эди. Ҳукмдор императорга Та-му-ше билан кўришиш ва диний амалларни бажариш учун бир ибодатхона қуришини илтимос қилди*” [27: 213]. Ту-хо-ло (Тохаристон) Ше-хан-на (Чағониён) ҳукмдори Ти-ше (Тиш)нинг Хитойга Та-му-шени юборишдан мақсади аслида моний динини у ерда ёйишдан иборат бўлган[28: 139]. Юқоридаги Ти-ше Я. Маркварт томонидан Қутайба томонидан 709/710 йилларда Низак тархон ўлдирилгач, Тохаристон ябғуси бўлган Чағониён ҳукмдори Тиш билан тенглаштирилган [37: 226; 19: 132]. В.А. Лившиц фикрича, Тохар ҳукмдори Тиш тўғрисида Муғ тоғидан топилган суғдий ҳужжатда ҳам эслатилган [19: 132]. 718-719 йилларда хитой манбасида Чағониён ҳукмдори Тишнинг Тохаристон ябғуси бўлгани ҳақида маълумот бор [27: 212]. Шуни айтиш лозимки, ушбу ҳукмдор 709-710 йилларда арабларга содиқ хизмат қилган йирик Тохаристон ҳукмдори бўлган [34:32]. С.Г. Кляшторнийнинг тахмин қилишича, Қутайба ябғу Надунилини қўлга олганидан сўнг бир кўзли Тишга Тохаристон бошқарувини берган [16: 146]. Бир кўзли Тиш билан ябғу 727 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган Надунилининг ўғлини айнанлаштириш учун асос йўқ. Шунингдек, 731 ва 737 йилларда тургаш хоқони тарафида туриб арабларга қарши курашган Тохаристон ябғусининг ҳам Тиш бўлиши шубҳалироқ [37: 70]. Чунки, 719 йилда Чаньанга монийлик динига мансуб руҳоний ”етук астроном”ни жўнатган Тиш арабларга қарши курашда императордан ёрдам сўрамаган эди: Тишнинг элчилари араблар бирга хитой саройига ташриф буюрган. Тиш 737 йилда тургашлар ва суғдийларнинг иттифоқчилигидаги қўшинга араб ноиби тарафида туриб курашган

[1] Француз синологи Э. Шаванн фикрича, бу шахс моний динига мансуб олим бўлган.

“Чағониён ҳукмдори” бўлса керак [16: 147; 13: 246. 1600-1601.]. Шунингдек, Табарийнинг 91/710 йил воқеаларини тасвирлар экан, Қутайбанинг ҳузурида эфталий лидери Низак тархон, Қуйи Тохаристон бўйсунган ҳукмдорлари ас-Сабал ва аш-Шазз ўз сюзерени Жаббуяга вассаллигини билдирган [13: 129]. Х.А.Р. Гибб ас-Сабални Хуттал ҳукмдори сифатида, аз-Шаззни эса Чағониён ҳукмдори сифатида тушунган [34: 9; 25:1; 13: 440]. Бу ўринда Табарий 710 йилдаги воқеаларни назарда тутганини ҳисобга олсак, аз-Шазз(шад) унвонли Чағониён ҳукмдори Тишнинг ҳукмронлиги билан мос келади, аммо улар иккита шахсдир. Фикримизча, Тиш маҳаллий ҳукмдор, аз-Шазз эса туркий ҳукмдор бўлса керак. Шунингдек, тадқиқотчининг фикрича, Тохаристон ябғуси ва Чағониён ҳукмдорининг идентиклиги хитой манбаларида чалкаштирилиб юборилган хато бўлиши мумкин [34: 9].

VII асрга тегишли Афросиёб деворий суратлари ҳам Чағониённинг илк ўрта асрлар тарихи хусусида қимматли маълумотлар беради. Хусусан, VII асрда фаолият кўрсатган Чағониён ҳукмдорлари ҳақида бирорта манбада маълумот йўқ. Фақат мазкур деворий суратларда акс этган ёзув орқалигина биз шу даврда Чағониёнда *twr’ntљ* – “Туронтош” исмли ҳукмдор бўлгани ҳақида маълумотга эгамиз [2:55]. Бу исм туркийча бўлса керак.

Шу билан бирга, Эфталийлар ҳарбий иттифоқи таркибига кирган канжина турклари Хуттал ва Чағониён оралиғидаги водийда истиқомат қилган. Масаалан, ўрта аср муаллифи Абул Фазл Байҳақий(996-1077) 1035 йилда Чағониён ҳокими Абул Қосимнинг қўшини орасида канжина турклари бўлганини ёзади [36: 203].

Шуман ва Ахарун. Ўрта асрлардаги Шуман ва Ахарун вилояти Чағониёндан шарқда жойлашган эди [14: 149]. Шуман ва Ахарун вилояти ҳозирги Тожикистон Республикасининг Қоратоғдарё, Ширкентдарё ва Регардарё водийси, шунингдек Ҳисор водийсини ўз ичига олган Ҳисор ва Регар туманлари ҳудудида локализация қилинади.

Сюан Цзан Чи-го-йен-на мамлакатидан чиқиб, Ху-лу-мо мамлакатига борилиши келтирилган [28: 139; 1: 160, к. 296]. Хитой манбаларида Ху-лу-мо сифатида келтирилган мамлакатнинг локализацияси хусусида гарчи тадқиқотчилар орасида якдил фикр бўлмасада, (Ст. Мартин фикрича Хисори Шодмон, Х. Юл эса пойтахти Қоратегин бўлган Гарма эканлигини илгари сурган [42: 5]), Э. Шаванн унинг Ахарун эканлигини айтган [28: 140; 1: 160, к. 298]. Сюан Цзан бу мамлакат ҳақида қуйидагича ёзади: “*Ху-лу-мо мамлакати шарқ-ғарб маркази ораси юз ли дан ортиқ. Пойтахтининг айланаси эса ўн лидан ортиқ. Иккита ибодатхона ва юздан зиёд будда роҳиби бор*” [28: 140; 1: 160, к. 298]. Шуман эса хитой манбаларида Су-ман шаклида келтирилади. Шуман Кофирнигон дарёсининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, Тожикистон пойтахти Душанбе яқинидадир. Сюан Цзан

бу ўлкани шундай қайд қилади: “*Су-ман Юйман мамлакатининг ғарб-шарқ маркази оралиғи 400 лидан ортиқ, шимол-жануб томони эса юз лидан ортиқ. Пойтахтининг айланаси ўн олти ёки ўн етти ли... Иккита ибодатхонаси бор ва роҳиблари жуда оз*” [28: 140; 1: 160, к. 298].

Сюан Цзан бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ бу иккала вилоятнинг ҳукмдори хи-су (Hsi-su) туркларидан бўлганлигини айтади [28: 140; 27: 218; 1: 160, к. 297; 18: 292, к. 779]. Хи-су (си-су) турклари номи остида хитойчада қайси туркий қабила тушунилганлиги номаълум. Сюан Цзан саёҳатномасини русчага таржима қилган Н.Б. Александрова хи-су (си-су) номини қабила номи сифатида эмас, балки “қандайдир туркий ҳукмдор(князь)” деб изоҳ беради [1: 278]. “Цин Таншу”да “ду-ду Дама бошқаруви Шуман шаҳрида Цзесу давлати пойтахтида таъсис этилгани” ҳақида айтилади [18: 93; 28: 142]. Э. Шаванн хи-су (си-су) ва Цзесуни битта сўзнинг транскрипцияси деб ҳисоблаган [27: 255]. Агар бу фикр тўғри деб олсак, у ҳолда хи-су (си-су) бир туркий қабиланинг номи эмас, Цзесу мамлакатида яшаган турклар маъносида келади. Аммо саёҳатномада у бир мамлакатнинг номи эмас, балки қабила номи сифатида ишлатилган. Сюан Цзандан 100 йил кейин ёзилган бир маълумотда Цзесу мамлакат номи сифатида берилган. Яъни 742 йилда Цзесу мамлакати ҳукмдори А-те-ци Тан сулоласига солиқ тўлаш учун юксак мартабали амалдор Канг-йен-тианни жўнатган [28: 142]. Умуман олганда, хитойчадаги хи-су (си-су) турклари қайси қабилага нисбатан ишлатилганлиги хусусида якдил фикр йўқ. Сўнгги тадқиқотларда уларнинг ўғузлар бўлганлиги ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, VIII аср бошларига тегишли хитой манбасига кўра, Шуман Тохаристон ябғуси қўли остидаги вассал ҳукмдорликлар қаторида санаб ўтилган [28: 259].

Куфтан. Бу ҳудудда туркийлар мавжудлиги хусусида Э.В. Ртвеладзенинг Шимолий Тохаристон тангаларида лирасимон тамғанинг пайдо бўлиши борасидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз: “асосан, Шерободдарёга оид Перузга тақлид тамға типлари фақат VII асрнинг иккинчи ярмига тегишли (Шегуй ва Тунябғу хоқонлар даври) бўлиши мумкин ва Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари ҳамда Куфтан (Шерободдарё водийси)нинг туркий ҳукмдори ўртасида қариндошлик алоқалари мавжудлигини билдиради. Шу даврда “хоқон” ва “тегин” зарб устига зарб (надчекан)лари Перуз тангаларига тақлидан бошқа типлари пайдо бўлади” [20: 119].

Қубодиён. Хитой манбаларида Цзюйхэяньна **(**Chu-he-yen-na**)** мамлакати деб аталади. Сюан Цзан бу мамлакат ҳақида “*мамлакатининг шарқ-ғарб томони икки юз лидан ортиқ, шимол-жануб томони эса уч юз лидан ортиқ. Пойтахтнинг айланаси 10 лидан ортиқ. Учта ибодатхонаси*

ва юздан ортиқ роҳиби бор” [28: 140; 1: 160]. Бу вилоят санскритчадаги *Kuvbvbna’дир. С. Биллга кўра, бу вилоят Кофирнигон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган. Бу ўлка ҳам Тохаристон ябғуси Надунилинининг укаси Ашина Деле Пулонинг Кайюан йилининг ўн биринчи ойида (718 йили) хитой императорига ёзган арзномасида Қўбодиён “бобоси, отаси ва шу пайтдаги ҳукмдорга қадар [бутун Тохаристон ябғуларига] тегишли” вассал ҳукмдорликлар қаторида эслатилади [27: 259-260]. Аммо бу воҳада илк ўрта асрларда туркий сулолалар бошқаруви мавжуд бўлгани хусусида манбаларда бирор бир қайд йўқ. Гарчи шунга қарамай, Қўбодиён тангаларида туркийларга хос бир неча элементлар мавжуд. Мазкур ҳудуднинг VII-VIII асрларга оид тангалари сосонийлар анъаналари сезилади. Яъни танганинг олд томонида сосоний ҳукмдори Хўрмузд IV нинг тасвири туширилган. Ҳукмдор тасвирининг ўнг ва чап томонида эса контрмарк ўрин олган ва Ғарбий Туркларнинг “Ябғу хоқон” ва “Тун ябғу хоқон” унвонли тангаларида учрайдиган тамғага жуда ўхшайдиган тамға ва мазкур тангаларнинг бир қисмида жойлашган жуфт қилич кўринишидаги тамға тасвири жойлашган [22: 197].

Хуттал. Хуттал ёки Хутталон Тохаристон ябғулиги таркибидаги энг йирик ва сиёсий жиҳатдан кучли воҳалардан бири эди [28: 259]. Унинг бир қанча шаҳарлари Панж дарёсининг ортида жойлашган. Сюан Цзанга кўра, Хуттал Вахшнинг шарқий вилоятларида жойлашган ва шарқда Кумед билан чегарадош эди. Хитой манбаларида Кэдоло (Ke-tuo-luo) мамлакати деб аталади [28: 161]. Мазкур вилоят Панж ва Вахш вилоятлари оралиғида жойлашган. Сюан Цзанда шундай келтирилади: *“Кэдоло мамлакатининг шарқ-ғарб томони ораси минглидан ортиқ, шимол-жануб ораси эса минг ли узунликдадир. Пойтахтининг айланаси йигирма лидан ортиқ. [Бу мамлакатнинг] шарқида Цунлин (Помир) тоғига туташиб кетади ва Цзюймито (Кумед) мамлакатига борилади”* [28: 141; 1: 161]. Хулбук шаҳри[1] Хутталнинг пойтахти эди, унинг майдони 20 ли (6 км) бўлган. Илк ўрта асрларда Хуттал ҳукмдорлари эроний унвон *Шери Хутталон* ёки *Хутталоншоҳ* унвони билан фаолият кўрсатган. Шунингдек, Хутталда зарб қилинган бақтрий ёзувли VII-VIII асрларга тааллуқли тангаларда туркийларга алоқадор бўлган *бдпнп фбсчбнп* “тудун-тархон” унвонлари учраса [35: 247-250], Табарий асли Бомиёндан бўлиб, Хуттални эгаллаб олган Тудун тархон (737 й.) исмли (аслида унвон бўлган) ҳукмдорни тилга олади [9: 33]. 729 йилда Хуттал ҳукмдори Эркин ўғли Ку-те-шени Тан

[1] Хулбук шаҳри Тожикистон Республикасининг Кўлоб вилояти Қурбоншаҳид қишлоғида жойлашган ҳозирги Ҳишттепа кўхна шаҳри ўрнида локализация қилинади. Марказий майдони 50 га.

сулоласига жўнатган. 733 йилда ҳукмдор Элтабар Тан саройига аёллардан иборат мусиқачилар гуруҳини жўнатган. Шу даврда катта беклардан бири бўлган До-по-ле Тархон Тан сулоласига ҳирожни бериш учун юборилган. 752 йилда Тан сулоласи ҳукмдори Лоцюанцзега Ябғу унвонини берган [27: 275]. Хуттал ёки Хутталон ҳукмдорларининг этник мансублиги номаълум бўлсада, уларнинг деярли барчаси туркий унвон билан фаолият кўрсатганини кўриш мумкин.

Тохаристон таркибидаги воҳалардан бири Хуттал аҳолиси юзасидан яна бир муҳим маълумот мавжуд. Хусусан, 726 йилда саёҳат қилган Хой Чао Хутталга ташрифи чоғида у ерда яшаган қавмлар ҳақида гапириб, "*ҳукмдор тукюе (турк)ларнинг бош уруғидан. Маҳаллий аҳоли юзта уруғдан. Мамлакатнинг ярим аҳолиси ху (маҳаллий аҳоли)дан, қолган ярми эса туркландандир*" дея таъкидлайди [31: 452; 7:189]. Демак, ушбу маълумот турклар мазкур ҳудуд аҳолисининг бир асосий қатлами эканига тўғридан-тўғри ишорадир.

Кумед. Кумед ҳам Тохаристон таркибига кирувчи 27 та ўлкадан биридир. "Янги Тан сулоласи тарихи"га кўра, Цзюйми мамлакати тоғларнинг орасида бўлиб, Тохарнинг шимоли-шарқи билан Хэй-хэнинг шимолий қуйи оқимидадир. Ҳукмдори туркларнинг янто/сир тардуш (Yen-tuo) уруғидандир [8: 234]. 642 йилда Тан сулоласига элчи жўнатган. Ҳукмдори доимо арабларга оғир тўлоқ тўлашга мажбур қилингани сабабли унга ёрдам беришларини сўраган. Фақат Тан сулоласи императори тасалли бериш билангина чекланган. Тянбао (742-755) даврида ҳукмдор Арслон эркин (Исилан Хэугин) Тан сулоласига от ҳадя қилади [8: 324]. Кумед вилояти араблар тарафидан ҳокимият остига олинганидан сўнг 719 йилда Кумед ҳукмдори Нараяна Тан сулоласидан ёрдам истаб мактуб жўнатади. Унинг мазмуни қуйидагича: "*Бобом, отам, амаким ва акаларим соф юрак билан бу буюк ўлкага (тан сулоласига) содиқ бўлганлар. Шу онда арабларнинг хужуми остида қолдик ва Тохаристон, Бухоро, Шош ва Фарғона мамлакатлари араблар ҳокимияти остига ўтди. Ўлкамдаги қимматбаҳо буюмлар ва халқимнинг мулклари араблар томонидан ўлпон сифатида тортиб олинди. Катта умид билан сизнинг бу иш билан шуғулланишингизни хохлаймиз. Шу онда мени солиқдан озод қилсангиз мен катта ўлканинг ғарб эшигини чексизликка тенглигини кўраман ва сажда қилиш билан бирликда орзуларимни билдираман*" [27: 262–263].

Вахон. Ушбу ҳукмдорлик тоғлик ўлка ҳисобланади. Хитой манбаларида у ҳақда қуйидагича маълумот келтирилади: "*Хуми давлати, бошқача айтганда, Дамомитеди ва Хокан, Юан-Вэй сулоласи даврида (386–556) йилларда Бохо деб аталган: у қадимги Тохаристоннинг бир қисмини ташкил этади*". 656–660 йилларда Вахон ҳукмдори Шаболо Гйелифа

(силифа Шабал) бўлган [8: 324]. Вахон ҳам VIII аср бошларида Тохаристон ябғусининг вассали бўлиб, 50 минг жангчиси мавжуд эди [27: 259]. VI–VIII асрларга оид асосан саёҳатчилар томонидан келтирилган маълумотларга кўра, Вахон мазкур даврларда дастлаб эфталийлар, улар тор мор этилгач эса турклар қўли остида бўлган [4: 131].

Бадғис. Тарихий Бадғис вилояти ҳозирги Афғонистоннинг шимолиғарбий қисмида жойлашган. IV/IX аср географлари Ҳиротдан шимолиғарбда, мазкур шаҳар ва Серахс оралиғидаги вилоятни Бадғис деб номлаганлар [6: 348]. Хитой манбаларида мазкур вилоят ҳақида маълумот учрамайди. Аммо араб манбаларида Бадғис вилояти ва унинг ҳукмдори Низак тархон ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Араб манбаларига кўра, 709–710 йилда Низак Қутайба томонидан ўлдирилади. Хитой манбасида эса 719 йилда Низак хитой саройига элчилар жўнатгани ҳақида маълумот бор. Демак, бу ерда икки хил шахс ҳақида сўз бораяпти. Табарийнинг 710 йилларда юз берган воқеаларни тасвирлар экан, Бадғиснинг хайатилалардан бўлган ҳокими Низак/Тирек тархон ҳақида ёзади [34: 9; 26: 239]. Бироқ тадқиқотларда унинг турклардан бўлгани ҳақида ҳам фикр илгари сурилади [29: 325–326; 3: 8]. Япон тадқиқотчиси М. Инаба Низак тархоннинг халажлардан бўлганлигини таъкидлайди [32: 15]. Табарий унинг Қуйи Тохаристон ҳукмдори аш-Шазз(Шад)нинг вассали, аш-Шазз(Шад) эса Тохаристон Жаббуйасига бўйсунганлигини ёзади [37: 69; 29: 325]. Шу жойда кўришимиз мумкинки, бу даврда Бадғис вилояти ҳам Тохаристоннинг вассал ҳукмдорликларидан бири бўлган. 90/709 йилларда қариб қолган Низак тархон эфталий ва туркий ҳукмдорлар билан Қутайбага қарши курашга раҳбарлик қилган эди [26: 240]. Шунингдек, “Низак шоҳ” исмли ҳукмдорнинг Кобулда танга зарб эттиргани ҳам маълум [36: 200]. Э.Эсинга кўра, Бадғис ҳукмдори тархоннинг исми Низак эмас, балки Тирек (ал-Куфий, IX аср) бўлиб, у эфталийлардан бўлмасдан, балки Тохаристон ябғусининг вассали бўлган тархон унвонли тургаш амалдоридир [29: 323–324]. Кўплаб тадқиқотчилар (Р.Фрай, Я.Харматта ва бошқалар) Низакни сулолавий унвон ҳисоблашган. Зотан, Ибн Хўрдодбек ҳам Низакни иккинчи даражали туркий шаҳзодаларнинг унвони сифатида тасвирлаган [36: 201]. Шундай қилиб хулоса қиладиган бўлсак, Низак тархон исмининг ҳар иккала қисми ҳам туркий унвондан ташкил топган ва бу ҳолат Бадғис ҳукмдорининг эфталийлардан эмас, балки туркийлардан бўлганини англатади.

Ғаз. Бақтрий тилидаги ҳужжатларда кўплаб Ғарбий Турк хоқонлиги билан алоқадор унвонлар учрайди. Шунингдек, бақтрий тилидаги ҳужжатлар маълумотлари Тохаристон тарихи билан боғлиқ хитой ва араб манбаларининг айрим кемтик жойларини тўлдира олади, дейиш мумкин.

Унвонлар масаласига қайтадиган бўлсак, *тудун* унвони Ябғуларнинг қароргоҳи жойлашган – Қундузга яқин жойлашган Ғаз билан алоқадор 702 йилга оид бир бақтрийча ҳужжатда **(Doc. S)** *узспфпскп (Турклар ҳукмдори) ва гбжп фбдбнп* (Ғаз тудуни) ёки “турклар амалдори бўлмиш Ғаз тудуни” ибораси учрайди [38: 94–95; 10: 63; 11: 70]. Бу хитой йилномаларида келтирилган “Тун ябғу-хоқон маҳаллий ҳукмдорларга хоқон унвонини бериб, улар назорати учун тудун унвонли ўз вакилини юборди” мазмунидаги маълумотни тасдиқлайди [9: 33]. Маълумки, 630 йилларда Тун ябғу-хоқоннинг ўғли Тардушад томонидан Тохаристон ябғулигига асос солинган пайтда юқорида номлари тилган олинган Руб, Ғаз каби ҳокимликлар ҳам унинг таркибига кирган эди. Демак, бақтрий ҳужжатларида келтирилган маълумотга асосланиб, Руб, Гузгон ва Ғазда маҳаллий бошқарув сақланиб қолинган бўлса-да, улар тудунлар воситасида турклар томонидан назорат қилинган деган хулосага келиш мумкин.

Кадагистон/Кадагстан. Ушбу иеографик номи номи бизгача етиб келган бақтрий тилидаги ҳужжатларда учрайди, холос. Н. Симс-Виллиамс фикрига кўра, бу воҳа Рубдан шарқда Қундузоб дарёси водийсида жойлашган [40: 20]. Аниқроғи, бақтрий ҳужжатларига кўра, халажлар Кадагстанда бошқарувчи зодагонлар тоифасини ташкил қилган [40: 21]. 700 йилда тузилган (**Doc.T)** ҳужжатда эса турк зодагонларининг бир вакили – “*Багазийас (Bag-aziyas), буюк турк маликаси, Қутлуғ Тапағлиғ Билга Севук (Qutluғ Tapағlnг Bilgd Sdvьg)нинг хотини, халажлар маликаси, Кадагстан бекаси*” [40: 20–21] деган иборалар учрайди. Н. Симс-Виллиамс фикрича, мантдаги малика исми *Багазийас (Bag-aziyas)* эроний тилларга хос исм бўлиб, унга нисбатан “буюк турк маликаси” эпитетининг ишлатиши Кадагстаннинг туркий ҳукмдори *Қутлуғ Тапағлиғ Билга Севук (Qutluғ Tapағlnг Bilgd Sdvьg)*(эҳтимол халажлардан бўлиши мумкин)нинг хотини бўлгани учун берилганини кўрсатади. Юқоридаги маълумотга асосланиб, ушбу ҳужжатлар ёзилган пайтда Кадагистонда аллақачон халажлар яшаган эди, деган хулосага келиш мумкин.

Ғузғон. 648 йилга алоқадор Ғузғон билан боғлиқ бақтрийча ҳужжатда *чбгбнбггп фщгп* “хоқонга солиқ” ибораси учрайди ва Н. Симс-Виллиамс фикрича, бу ҳудуд Ғарбий турк хоқонига тегишли бўлган ва бу маълумот унга тўланадиган йиллик тўлов билан боғлиқдир [39: 9–29; 5: 44]. 693 йилга алоқадор яна бир Ғузгонга оид ҳужжатда биринчи марта “турк” сўзи этник ном сифатида *узсп фпскп (szro torko)* шаклида учрайди [40: 20].

Руб. Ўтган аср охирларида Афғонистонда Рабатак деган жойда топилган бақтрий тилида ёзилган 100 дан зиёд ҳужжатларнинг бир қисмини Тохаристондаги Руб ва Симинжоннинг 91/710–710 йиллардаги туркий ҳукмдори Рубхоннинг архиви ташкил этади [15: 108]. Яна бир *элтабар*

унвони Тохаристон ҳудудида VIII асрга (аниқроғи 639–757 йиллар) тегишли бақтрий ёзувидаги ҳужжатда учрайди [38: 74, 82, 88, 92, 106, 126]. Бунга мисол қилиб, Руб[1] (ҳоз. Руй)да 639 йилда тузилган кафолат хати (**Doc. N рақамли ҳужжат**)ни мисол қилиб келтириш мумкин. У шундай жумлалар билан бошланади: “407 йилда, Хандиг ойида Аштад кунида муҳрланган ушбу ҳужжат ва кафолат хати шу ерда, яъни Самингон вилоятидаги Сандаранда, Руб ҳукмдорлари маҳкамасида шон-шарафларга тўла Ҳоқоннинг тапуғлуғ элтабари Руб ҳукмдори Фрама-ризм Шабуран ҳузурида, Парпаз ҳукмдори ҳамда Виларган мулкининг эгаси Инал-тархон Хулханнинг иштироки ва Руб ҳукмдорларининг нозими Суреннинг кўз ўнгида ёзилди”[2]. Айниқса, Руб ҳукмдорига нисбатан “хоқон хизматчиси” маъносида қадимги туркча *тапуғлиғ* (луғ. “хизматчи, хизмат кўрсатган”) [12: 535] иборасининг қўлланилиши диққатга сазовордир. Чунки, Турк хоқонлигининг расмий тарихини ёритувчи манбалар бўлмиш Ўрхун битиктошларида айнан шу шаклда учрамаган ушбу атаманинг бақтрий ҳужжатларида ўрин олиши хоқонликнинг бошқарувига боғлиқдир. Фикримизча, хоқонликда турли юқори лавозим эгалари *бек*лардан ташқари, хизматчи – маъмурлар тоифаси **тапуғчи* деб юритиларди. Бундай дейишга сабаб, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Қорахонийлар давлатида давлат хизматчиси ёки маъмур маъносида *тапуғчи* атамаси ишлатилган [33: 157], унинг илдизлари эса Турк хоқонлиги даврига бориб тақалган. Буни 710 йилда тузилган Doc. T рақамли бақтрийча ҳадя ҳужжатида туркий маликага нисбатан *чпфплпгп фбрҏглййп вйлгбхп убвппхп* (қад. турк. “Қутлуғ тапуғлуғ билгасебук”) шаклида қўлланилган [38: 74, 82, 88] дабдабали эпитет ва унвонлар ҳам тасдиқлайди. Мазкур бақтрий ҳужжатларида маҳаллий ҳукмдорнинг *элтабар* унвонида қайд этилиши баробарида, унга нисбатан “хоқоннинг хизматчиси” ибораси ишлатилиши эса С.Г. Кляшторный таъбири билан айтганда “тобе воҳа ҳукмдорликлар бошқарувчиларига туркий унвонлар берилиши, хоқонликнинг уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганини ифодаларди” [17: 408]. Н. Симс-Виллиамс дастлаб тадқиқотларида ушбу иборада ишлатилган “ҳоқон” унвонини маҳаллий ҳукмдорларга тегишли унвон сифатида қараган эди [38: 74, 82, 88]. Аммо сўнгги тадқиқотларида у мазкур унвонни айнан Ғарбий

[1] Руб – (Роб, Руй) Шимолий Афғонистондаги Кундуз ва Самингондан жанубда, Бомиёндан шимолда жойлашган тарихий жой.

[2] Ҳужжатдаги Сандаран, Парпаз каби жойлар ўрни аниқланмаган бўлса-да, гап Тохаристон таркибига кирувчи воҳа ҳукмдорликлари ҳақида кетаётган бўлса керак. Ҳужжатда кўрсатилган 407 йил милодий қайси йилга тўғри келиши ҳам аниқ эмас. Бақтрияликлар милодий 232 йилни ўз эраларининг биринчи йили деб ҳисоблаганига кўра, бу 639 йилга тўғри келади, дейиш мумкин.

турк хоқонлиги бош ҳукмдорининг унвони билан боғлиқ эканини таъкидлаган [40: 20].

Андароб. Афғонистоннинг ҳозирги Бағлон вилоятида жойлашган бу мамлакатнинг номи хитой манбаларида Ан-да-ло-фо шаклида келтирилган [1: 237; 23: 43, n.146]. Сюан Цзан Ҳиндистондан Хитойга қайтиб келаётганида тахминан 640 йилларда мазкур ҳудудга ташриф буюрган ва шундай таърифлаган: “Ан-да-ло-фо мамлакати [24: 286–287] қадимги Тохар мамлакатининг тупроқларидадир. Айланаси уч минг лидан ортиқ кенгликда. Пойтахтининг айланаси ўн тўрт-ўн беш ли. Умумий бир йўлбошчиси йўқ, туркларга бўйсунади” [28: 181; 1: 287].

Хуст. Бу мамлакат ҳақида “Да Тан сиюй цзи”да қуйидагича маълумот берилган: “Ко-си-до мамлакати [1] эски Тохар мамлакатининг тупроқларидадир. Айланаси уч минг ли. Пойтахтининг айланаси эса 10 ли катталикда. Умумий бир йўлбошчиси йўқ, туркларга бўйсунади” [28: 181; 1: 237] шаклида маълумот учрайди.

Хо (Қундуз). Тохаристон ябғуликнинг пойтахт қароргоҳи (*хит*. Хо, *араб*. Варвалиж) да жойлашган бўлиб, бу ҳақда “Дай Тан си юй цзи” (“Буюк Тан [сулоласи ҳукмронлиги даврида тузилган] Ғарб мамлакатлари ҳақидаги маълумотлар”)да қуйидагича маълумот келтирилади: *“Хо мамлакати қадимги Тохар мамлакатининг тупроқларида жойлашган. Майдони икки минг лидан ортиқ кенгликда, пойтахти эса йигирма ли катталикдадир. Мамлакатда йўлбошчи йўқ, туркларга бўйсунади... Мамлакатнинг ҳукмдори туркландандир. [Ҳукмдор] Темир Қапиғнинг жанубидаги бутун кичик ўлкаларни бошқаради. Ҳукмдор ҳамма вақт бир жойда турмайди ва аниқ бир макони йўқ*” [1: 237–238]. Шунингдек, бошқа ёзма манбаларда, хусусан, буддавий асарларда ҳам *Хо* (Қундуз) мамлакатининг ҳукмдори (Тохаристон ябғуси) турклардан бўлганлиги ва Темир Қапиғ (Шаҳрисабздан 90 км жанубда Бойсун тоғида жойлашган ҳозирги Бўзғола гузари)нинг жанубида жойлашган кўплаб мамлакатларни бошқарганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [28: 183; 24: 287–288].

Кўринадики, Тохаристондаги ўнлаб кичик ҳукмдорликларда ва Кобул водийсига алоқадор Зобулистонда туркий бошқарувчи хонадонларнинг пайдо бўлиши ҳам айнан Турк хоқонлиги билан боғлиқ эди. Тохаристон таркибидаги Чағониён, Термиз, Балх, Кумед, Хуттал, Шуман ва Ахарун, Вахон, Руб, Қундуз каби тарихий-географик вилоятларида туркий сулолалар ташкил топган бўлиб, уларнинг бир қисми хоқонлик даврида бу ерларга келиб ўрнашган туркий уруғларга мансуб бўлишса, бир қисми эса бу ерларнинг маҳаллий туркларига бориб тақалар эдилар. Хусусан, Кумед ва

[1] Ушбу мамлакат Таликон ва Андароб оралиғида жойлашган [24: 287]

атрофларидаги кумижи (кемачи?) ва канжина турклари ёки Кадагистондаги халажлар этник келиб чиқишига кўра ўлканинг қадимги туркий аҳолисига бориб тақалар ва сиёсий ҳаётда фаол туркий уруғлар сифатида билинар эдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. Москва, 2008.
2. Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975.
3. Асадов Ф. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. Баку, 1993.
4. Бабаев А. Д. Крепости древного Вахана. Душанбе, 1973.
5. Бабаяров Г. Б. Государственный строй Западно-Тюркского Каганата. Автореф. дис. док. ист. наук. Ташкент, 2012.
6. Бартольд В. В. Работы по исторической географии / Сочинения в 9 томах. Т. 3. Москва, 1965.
7. Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // Вестник древней истории. Москва, 1952. №1. С. 187-195.
8. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва–Ленинград. Т.I. 1950; Т. II. 1950; Т. III. 1953.
9. Бобоёров Ғ. Бақтрий ҳужжатларида Турк хоқонлиги тарихига оид янги маълумотлар // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Тошкент, 2010. Б. 30–34.
10. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг воҳа ҳукмдорликларини бошқарув усулларига доир // Шарқшунослик. Тошкент, 2011. №15. Б. 61–73.
11. Бобоёров Ғ., Ғойибов Б. Илк ўрта асрларда Суғд бошқарувидаги элтебар, тудун ва тархон унвонлари хусусида // “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари” мавзуидаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. Тошкент, 2013. №5. 2-қисм. Б. 67–78.
12. Древнетюркский словарь / Под ред. В.М. Наделяева, Д. М. Насилова, Э. Р. Тенишева, А. М. Щербака. Ленинград, 1969.
13. История ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с арабского В.И. Беляева. Доп. к пер. О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). Ташкент, 1987.
14. Камалиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. Ташкент, 1996.

15. Камолиддин Ш. С. Новые арабские документы из Тохаристана (третья четверт VIII в.н.э.) // “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари” мавзуидаги Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. Тошкент, 2013. №5, 2-қисм. Б. 108–128.

16. Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. Москва, 1964.

17. Кляшторный С. Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. Санкт–Петербург, 2006.

18. Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. Новосибирск, 1989.

19. Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). Тошкент, 1990.

20. Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). Ташкент, 2006.

21. Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни (илк ўрта асрлар). Тошкент, 2012. Б.21.

22. Babayar G. Kцktьrk Kapanlərə sikkeleri Katalogu – The Catalogue of the Coins of Turkэc Qaghanate. Ankara, 2007.

23. Beal S. Si-yu-ki. Buddist Records of the Western Worlds, translated from the Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629). In two vol. Vol. I. London, 1884.

24. Beckwith I.C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages. Princeton, 1993.

25. Bosworth C.E. The ruler of Chaghвniyвn in Early Islamic Times // IRAN. Vol. XIX. 1981. P. 1–21.

26. Bosworth C.E. The appearance and establishment of islam in Afghanistan. P. 234–253.

27. Chavannes E. Зin yəlləklarəna gцre Batэ Tьrkleri / Зevri M. Koз. Эstanbul, 2007.

28. Ekrem E. Hsьan-Tsang Seyahetnamesi’ne gцre Tьrkistan. Basəlmamэю doktora tezi. Hacettepe Ьniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitьsь. Ankara, 2003.

29. Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry conserning the Prince of Badhghis. Who in A.H. 91/A. D. 709–710 Opposed the ‘Omayyad Conquest of Central Asia// JAOS, 1977. Vol. 97. No. 3. P. 323–332.

30. Frye R.N, Sayili A.M. The Turks in Khurasan and Transoxania at the time of the Arab conquest // Journal of the American Oriental Society. Vol. 63. No. 3. American Oriental Society, 1943. P.194–207. http://www.jstor.org/stable/593872.

31. Fuchs W. Huei-Chao’s Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichle der Preussischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. Klasse. 1938. P. 426–470.

32. Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D. // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University. Kioto, 2005. No. 38. P. 1–19.

33. Genз R. Karahanlə devlet teюkilatə. Ankara, 2002.

34. Gibb H.A.R. The Arab Conquests in Central Asia. London, 1923.

35. Humbah H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. London, 1996. Vol. 10. P. 247–250.

36. Kurbanov A. The Hephthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. Berlin, 2010.

37. Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901.

38. Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. Oxford: Oxford University Press, 2000.

39. Sims-Williams N. Bactrian legal documents from 7th- and 8th-century Guzgan // BAI. Oxford, 2001. Vol. 15. P. 9–29.

40. Sims-Williams N. Turks and other peoples in the Bactrian documents// Цtьken’den Эstanbul’a. Tьrkзenin 1290 уэlэ.(720–2010). 3–5 Aralik, 2011. Istanbul. Bildiriler. P. 15–26.

41. Spuler B. Иagһвnівn // The Encyclopaedia of islam. New edition. Vol.II. Leiden: Brill, 1991. P. 1–2.

42. Yule H. Notes on Hwen Thsang’s account of the principalities of Tokharistan//JRAS. London, 1873. T. VI. P. 1–29.

Ф. Джуманиязова

Илк ўрта асрлар Тохаристон воҳа ҳукмдорликларида турклар бошқаруви масаласига доир

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда Тохаристон воҳа ҳукмдорликларида турклар бошқаруви масаласи кўриб чиқилган. Мазкур ҳудудда бир асрдан зиёд вақт фаолият кўрсатган турклар бошқарувига оид турли тиллардаги манбалар маълумотлари акс этган.

Калит сўзлар: *турклар бошқаруви, Тохаристон, воҳалар, туркий унвонлар, ябғулик.*

Ф. Джуманиязова

К вопросу управления тюрков в тохаристанских оазисных владениях в раннем средневековье

В данной статье рассмотрен вопрос управления тюрков в тохаристанских оазисных владениях в раннем средневековье. Использованы сведения из источников на разных языках по управлению тюрков тохаристанских оазисных владениях которые просуществовали более одного века на этой территории.

Ключевые слова: *управление тюрков, Тохаристан, оазисы, тюркские титулы, ябгуйство.*

F. Djumaniyazova

About governing of Turks in oasis possession in Tokharistan in early middle ages

In this article the author discusses the question of governing of Turks in oasis possession in Tokharistan in early middle ages. There are the facts in several languages about governing of Turks in oasis possession in Tokharistan, which existed more than one century in this territory.

Key words: *governing of Turks, Tokharistan, yabghus, oases, titles of Turks, yabghu state.*

М. Хатамова

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғат ат-турк” асарида шаҳар ва манзилгоҳларга доир айрим терминлар[1]

Туркий халқлар турмушини ўрганишда тарихий тилшунослик ва ономастиканинг ҳам ўз ўрни бор[2]. Чунки халқнинг тили қандайдир давр оралиғида бирданига шаклланиб қолмаганидек, бир вақтнинг ўзида унутилиб ҳам кетмайди. Бунинг устига, бирор халқда деҳқончилик,

[1] Мақола ФТРМҚнинг “Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларида шаҳар антропологияси (VI – VIII асрлар)” номли ёш олимлар амалий лойиҳаси (ЁА1-ФА-ГОО4) доирасида ёзилди.

[2] Шу ўринда муаллиф тарихий терминлар ва топонимлардан манба ўрнида фойдаланишни ўргатган шарқшунос олим ва устоз Ш.С. Камолиддинга ўз миннатдорчилигини билдиради.